

“Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамияти

**Ягона акциядорининг 9 - сон
ҚАРОРИ**

2022 йил “21” ноябрь

Тошкент шаҳри

“Ўзбек геология қидирув” АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 8 012 873 498 донани ташкил этади.

Жамиятнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги ПҚ-5083-сон қарорига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

- 1. Жамият ижроия органининг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисботини тинглаш.**
- 2. Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисботини тинглаш.**
- 3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисботини тинглаш.**
- 4. Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти томонидан тақдим этилган аудиторлик хulosасини тинглаш.**
- 5. Жамиятнинг 2021 йил якунлари билан олинган соф фойдасини тақсимлаш.**
- 6. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган Бизнес-режасига киритилаётган ўзгартиришларни кўриб чиқиши.**
- 7. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.**
- 8. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан олдинги тузилган ва келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни дастлабки тарзда кўриб чиқиши.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Жамият Бошқарув раиси М.А. Илхамов сўзга чиқиб, жорий йилнинг 2021 йил якунлари бўйича ҳисботини ўқиб эшилтириди, жумладан (*ҳисбот илова қилинади*):

Жамият 2021 йил якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари:

- асосий фаолиятдан олинган даромад ҳисобот даврида 467 931 354 минг сўмни ташкил қилди;
- ҳисобот давридаги харажатлар жами 445 694 783 минг сўмни ташкил қилди;
- жами даромад солиғини тўлагунга қадар фойда 26 957 346 минг сўмни ташкил қилди;
- ҳисобот даврининг соф фойдаси 22 340 865 минг сўмни ташкил қилди;
- ҳисобот даврида умумий кредитор қарздорлик 164 804 291 минг сўмни ташкил этган;
- ҳисобот даврида умумий дебиторлик қарздорлик 145 657 622 минг сўмни ташкил этган.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қиласиди:

Жамият ижроия органининг 2021 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан қуидагилар маълум қилинди (*ҳисобот илова қилинади*), жумладан:

Жамият Кузатув кенгashi ўз фаолиятини Қонун, Жамият Уставига ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомига мувофиқ юритиб келмоқда.

Кузатув кенгаши 2021 йил яқунларига кўра икки маротаба йиғилиш ўтказган бўлиб, йиғилишларда жамият фаолиятига боғлиқ бўлган 13 та масалалар кўриб чиқилган ва 36 та қарорлар қабул қилинган.

Кузатув кенгаши мажлислари Қонун талабларидан келиб чиқиб ўтказилган. Мажлисларда Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва молиявий шунингдек жамият фаолиятининг бошқа устувор йўналишлар (*Ишлаб чиқариш, Инвестиция, Экспорт, Импортни қисқартиши, Дебитор-Кредитор, соҳавий ўринбосарларининг фаолияти самарадорлик кўрсаткичлари бажарилиши, Харидлар, трансформация ва бошқалар*) юзасидан масалалар ваколат доирасида кўриб чиқилган ва кўпчилик овоз билан тегишли қарорлар қабул қилинган.

Хусусан, Кузатув кенгаши мажлисларида 2021 йил учун тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилишига оид Жамият Ижроия органининг ҳисоботлари, Тафтиш комиссиясининг жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosалари эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

Шулар қаторида, Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 30 мартағи йиғилишида Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси кўриб чиқилган.

Ўз навбатида, Жамиятнинг чорак ва йил якунлари бўйича ҳисоботлари, шу жумладан молиявий ҳисоботлар миллий стандартлари асосида тузилган ҳисоботлар, ташқи аудиторлик ташкилотининг хulosалари ҳамда Жамият Ягона акциядорининг йигилишларини ўтказиш ва бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган барча муҳим фактлар Корпоратив ахборот ягона порталида ва Жамиятнинг веб-сайтида белгиланган тартиб ва муддатларда жойлаштириш орқали ошкор этилиши таъминланмоқда.

Юқоридагиларга мувофиқ, Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қиласи:

Жамият Кузатув кенгашининг 2021 йилда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисботи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

Қонун, Жамият Устави ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низом талабларига мувофиқ, Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан хulosаларини эшитиш Жамият Ягона акциядор ваколатига кириши белгиланган (*хулоса илова қилинади*).

Шу билан бирга, Тафтиш комиссияси жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонунчиликнинг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади. Молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, мазкур хулоса акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида эштилади.

Тафтиш комиссияси томонидан тегишли муддат якунлари бўйича Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек, қонун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулоса Жамият Кузатув кенгаши мухокамасига киритилган. Кузатув кенгаши томонидан Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якуни бўйича хulosаси кўриб чиқилиб, маълумот учун қабул қилинган.

Юқоридагиларга мувофиқ, Жамият тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича хulosасини тасдиқлаш таклиф этилади.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамият нинг Ягона акциядори, қарор қиласи:

Жамият Тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисботи 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

“NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича молиявий ҳисоботлар миллий стандартлари асосида тақдим этган хулосаси ўқиб эшиттирилди.

“Nazorat Audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ижобий хулоса берилган.

Жамият қузатув кенгаши томонидан “Ўзбек геология қидирув” АЖ 2021 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан “Nazorat Audit” ташқи аудиторнинг аудиторлик хулосаси ахборот учун қабул қилинган.

Юқоридагиларга мувофиқ, “NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича миллий аудиторлик стандартлари асосида аудиторлик текшируви якуни бўйича хулосасини тасдиқлаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қиласиди:

“NAZORAT AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан Жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича миллий аудиторлик стандартлари асосида тақдим этган хулосаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансан ин ҳамда маълумот учун қабул қилинсан.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Қонуннинг:

59-моддасига, Жамият Устави ва ички корпоратив низомларга мувофиқ, Жамиятнинг фойда ва заарларини тақсимлаш Ягона акциядор ваколатига кириши;

50-моддасига мувофиқ, дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилиши белгиланган.

Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича олинган **22 340,8 млн. сўмлик** соғ фойдани қуидагича тақсимлаш таклиф этилади:

Дивидендга - 75 фоизини, яъни 16 755,6 млн. сўм;

Захира фондига – 5 фоизини, яъни 1 117, млн. сўм;

Инновацион тараққиёт фондига – 10 фоизини, яъни 2 234,08 млн. сўм;

Жамиятни иқтисодий ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадлари учун – 10 фоизини, яъни 2 234,08 млн. сўм

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қиласиди:

Жамиятнинг 2021 йил якунлари билан олинган **22 341,8 млн. сўмлик** соғ фойдаси қуидаги тартибда тақсимлансан:

Дивидендга - 75 фоизини, яъни 16 755,6 млн. сўм;

Захира фондига – 5 фоизини, яъни 1 117,04 млн. сўм;

Инновацион тараққиёт фондига – 10 фоизини, яъни 2 234,08 млн. сўм;

Жамиятни иқтисодий ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадлари учун – 10 фоизини, яъни 2 234,08 млн. сўм.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес-режасига ўзгартириш киритиш лойиҳаси бўйича қуидагилар маълум қилинди:

Жамият бизнес-режаси Кузатув кенгашининг 2022 йил 30 мартағи йиғилишида кўриб чиқилган бўлиб, Жамиятнинг 2022 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режаси маълумот учун қабул қилиш ҳамда кузатув кенгаши томонидан берилган қўшимча ва таклифларни инобатга олган ҳолда маъқуллаш ҳамда тасдиқлаш учун ягона акциядорга киритиш тўғрисида қабул қилинган.

Жумладан, Геология қидирав ишлари Давлат бюджети ҳисобидан, “Олмалиқ КМК” АЖ маҳсус ҳисоб вараклари ҳисобидан, “Навоий КМК” АЖ ҳисобидан ва бошқа буюртмачилар ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, ҳозирда Давлат бюджети ҳисобидан бажариладиган ишлар ҳажми **32 млрд. сўмга** кўпайди.

“Навоий КМК” акциядорлик жамиятининг 2022 йил 26 майдаги 02-06-1/02/4099-сонли 2022 йил 1 июндан бошлаб ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалари бўйича геология-қидирав ишларини молиялаштириш тўхтатилиши маълум қилинган. Шунга кўра юқоридаги шартномалар бўйича бажариладиган ишлар **140,6 млрд. сўмга** камайди.

2022 йилда товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан умумий режалаштирилган ҳажмлар камайганлигини ҳамда жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олиниши режалаштирилган соф фойданинг асосий қисми “Навоий КМК” АЖ билан тўғридан тўғри тузиладиган шартномалар бўйича бажариладиган ишлар ҳисобига тўғри келишини инобатга олиб, ишлаб чиқариш харажатлари, давр харажатлари ва соф фойда камайиш томонга ўзгартирилган.

Шунга кўра ижроия органи томонидан қўшимча ва таклифлар инобатга олиниб, жамият бизнес-режасига киритилаётган ўзгаришлар кузатув кенгаши йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Таъкидланганларни инобатга олган ҳолда, Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган бизнес режасига киритилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиб янги таҳрирдаги бизнес-режаси иловага мувофиқ тасдиқлаш тақлиф этилди.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қиласи:

Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес режасига киритилган ўзгаришлар асосида янги таҳрирдаги бизнес-режаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

Қонуннинг 58-моддасига асосан, Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгашини ва Тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш түғрисидаги масалалар кўриб чиқилиши белгиланган.

Жамият Ягона акциядори ҳисобланган Молия Вазирлигининг 2022 йил 5 февралдаги 02/19-02-02-35/285-сон хати орқали Жамиятнинг қўйидаги амалда бўлган Кузатув кенгаши аъзоларини уч йил муддатга ва Тафтиш комиссияси аъзоларини бир йил муддатга ваколатларини узайтириш бўйича таклиф берилган:

Кузатув кенгаши таркиби:

- | | | | |
|--------------------------------|--------|---|--|
| 1. Ишметов
Аминджанович | Тимур | - | Ўзбекистон Республикаси молия вазири; |
| 2. Исламов Бобир Фархадович | | - | Ўзбекистон Республикаси Бош вазир маслаҳатчisi – Давлат геология ва минерал ресурслар давлат кўмитаси раиси; |
| 3. Мирхадиев
Каримович | Шуҳрат | - | Вазирлар Маҳкамасининг геология ва минерал-хомашё базаси масалалари бўйича маъсул ходим; |
| 4. Наримов Рустам Камилович | | - | Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тарбақиёт ва қамбағалникни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи; |
| 5. Тўхтасинов
Толибжон ўғли | Ўткир | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи; |

Тафтиши комиссияси таркиби:

- | | | | |
|-------------------------------|---------|---|---|
| 1. Холжўраев
Салимжон ўғли | Азизбек | - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи |
| 2. Караев
Фахриддинович | Феруз | - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси; |
| 3. Умаралиев
Умаралиевич | Акмал | - | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарбақиёт ва қамбағалникни қисқартириш вазирлиги бош мутахассиси. |

Шу билан бирга, Қонуннинг 76-моддасига асосан, Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланishi белгиланган.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори, қарор қилади:

7.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркиби сайланган қўйидаги номзодларнинг ваколатлари уч йил муддатга узайтирилсин:

Кузатув кенгаши таркибига:

- | | | |
|-----------------------------|----------|--|
| 1. Ишметов Аминджанович | Тимур - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазири; |
| 2. Исламов Бобир Фарҳадович | - | Ўзбекистон Республикаси Бош вазир маслаҳатчиси – Давлат геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси; |
| 3. Мирхадиев Каримович | Шуҳрат - | Вазирлар Маҳкамасининг Геология ва минерал-хомашё базаси масалалари бўйича маъсул ходим; |
| 4. Наримов Рустам Камилович | - | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарроқиёт ва қамбағалникни қисқартириш вазирлиги бошқарма бошлиғи; |
| 5. Тўхтасинов Толибжон ўғли | Ўтқир - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлиғи; |

7.2. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига сайланган қуидаги номзодларнинг ваколатлари бир йил муддатга узайтирилсин:

Тафтиши комиссияси таркибига:

- | | | |
|----------------------------|-----------|---|
| 1. Холҷўраев Салимжон ўғли | Азизбек - | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бўлим бошлиғи |
| 2. Караев Фахриддинович | Феруз - | Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси; |
| 3. Умаралиев Умаралиевич | Акмал - | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тарроқиёт ва қамбағалникни қисқартириш вазирлиги бош мутахассиси. |

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан.

Қонуннинг 88-моддаси ва Жамият Уставига асосан, Жамиятнинг Ягона акциядори аффилланган шахс билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамият ижроия органи (Бошқаруви) томонидан кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини маъқуллаш учун тақдим этилган (*рўйхат илова қилинади*).

Юқоридагиларга мувофиқ, аффилланган шахслар билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни иловага мувофиқ маъқуллаш таклиф этилди.

Кун тартибидаги саккизинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори,
қарор қиласди:

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан олдинги тузилган ва келгусида
Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг
кейинги йиллик умумий йигилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган
битимлар 8-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш Жамиятнинг бошқарув раиси
М.А. Илхамов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Молия вазирининг
биринчи ўринбосари



О. Насритдинходжаев